— **Носир Тўра жаноблари, Ўзбекистонга илк бор келганингизда қалбингиздан нималар кечди?**

— Аслику ўзбекистонлик бўлиб, ҳозирги кунда Туркиянинг Адана шаҳрида истиқомат қиламан. Узоқ йиллар Ватанга ташналик билан яшаб, истиқлол шарофати билан она юртим дийдорига мушарраф бўлдим. Болаликда ота-онам таърифу тавсиф қилган юртни ўз кўзларим билан кўрдим. Ўзбекистон улар таърифлаганидан ҳам гўзалроқ экан. Одамлари меҳнаткаш, олиҳиммат ва меҳмондўстдирлар. Қадимдан илму урфон ўчоғи бўлган бу диёрда ҳозир ҳам олиму фозиллар кўп. Ер ости, ер усти бойликлари эса неча-неча авлодларга етгулик. Бу масканда адабиёт ва санъатга бўлган муносабат юқори даражада экан. Ўзим Ўзбекистонга келиб «Тўра интернэшнл» фирмасини очиб фаолият олиб бораётган бўлсам-да, адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишим туфайли кўпроқ маданият соҳаларида иш юритяпман. Ҳозирда унутилаёзган урф-одатлар, расм-русумларни тиклашда уларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бермоқ керак. Шунинг учун мен юртга келиб

*Истиқлол мевалари*

# ОНА ЮРТИМ ОМОН БЎЛСИН

**(Хорижлик ватандошимиз билан суҳбат)**

санъат аҳллари билан учрашиб, уларга маслаҳатларим билан кўмаклашдим. Бир қанча мўйқалам усталарининг ижодий ишларига ёрдамлашдим. Театрларда хомий ва маслаҳатчи бўлиб иштирок этдим. Мен қўйилаётган асарнинг миллийлигига кўпроқ аҳамият бераман. Яқинда Ҳамза театрида қўйилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган Эркин Ҳушвақтовнинг «Чимилдиқ» пьесасига ҳам маслаҳатчи, ҳомий бўлиб янглишмадим. Ушбу асарнинг юқори баҳоланишига сабаб ҳам ана ўша миллий урф-одатларнинг асарда ифодаланиши бўлди.

Қилган ишларим билан мақтанмоқчи эмасман. Айтмоқчиманки, ҳар бир ўзбек фарзанди ўз миллийлигини йўқотмасин. Ҳеч қачон хориж одатларини ўрганмасин. У «ўзлиги» билан оламга танилсин.

Мен мустақиллик даврига қадар Европанинг кўплаб давлатларини кўрдим. Германиянинг Берлин ва Дюселдорф шаҳарларида 20 йил яшадим. Гўзал Швейцарияда ҳам бўлдим. Аммо Тошкент вилоятининг Сижжак қишлоғини кўриб ҳақиқий гўзалликни англадим. Бу юртда бундай гўзал жойлар жуда кўп экан. Фақат у ерларни чиройли бўстонга айлантириш, парвариш қилиш, Оллоҳ берган бу табиат инъомини асрашимиз керак. Бунинг учун ҳар бир ватандош тенг қайғурмоғи лозим.

— **Носир афандим, сармоянгизни кўпроқ Ўзбекистоннинг маданий-маърифий юксалишига ишлатяпсиз экан, бундан Сизга нима фойда?**

— Саволингиз ўринли. Лекин берган жавобимни эшитган одам ҳам мени «Қизиқ одам экан», деб ўйлаши мумкин. Чунки менинг мақсадим олиб келган сармоямнинг фойдасини ташқарига олиб чиқиш эмас. Қанча бўлса ҳам шу юртда қолдириш. Ахир ташқарида ота-оналаримиз бу тупроққа етишмоқ учун ҳамма нарсадан қиммат бўлган жонидан ҳам кечиб юрт ҳажрида ёнганлар-ку. Уларнинг она-Ватан ташналиги олдида бу сармоялар нима экан.

— **«Менга бу юртдан ҳеч нарса керак эмас», деб айтдингиз, бу гапларингизга хориждаги оила аъзоларингиз қандай муносабатда бўлади?**

— Улар ҳеч ҳам таажжубланишмайди. Чунки қизим Насира Тўра Германияда «Модесо» фирмасини бошқаради. У теридан тикилган кийимлар билан олди-сотди қилади. Ўғлим Ҳоқон Тўра Туркияда истиқомат қилади. У ҳам катта ширкатнинг эгаси.

Ўзимнинг Америка ва Германияда фирмаларим фаолият кўрсатиб турибди. Оила менинг сармоямга мухтож эмас. Турмуш ўртоғим Сэтил хоним ва тўқсон ёшлик онам Муаззасхон ая эса она юртимизнинг келажакда гуллаб яшнашини доимо дуо қилишади.

— **Ўзбекистон келажаги бўлган бугунги ёшларга қандай тилак, истакларингиз бор?**

— Азиз ёшларга тилагим: аввало ўқиб билим олиб, ҳаётда ўзининг тўғри йўлини топсин. Қолаверса ўз юртини севсин, ўзлигини унутмасин, ўз миллийлигини, ўз маданиятини мустаҳкам ушласин. Ҳеч қачон улардан ажралмасин.

*Муқима АБДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.*

*Бу — қизиқ*

# ЎЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

***Одамзот 70 йиллик умри мобайнида қанча маҳсулот тановул қилишини ҳамма ҳам билмаса керак.***

• Биолог олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ўрта ҳисобда 70 ёшга кирган инсон 40 тоннага яқин овқат, 11 тонна нон, 70 пуд (1 пуд — 16,3 килога тенг) туз, 7 тонна гўшт, 1 тоннага яқин балиқ, 42 тонна суюқлик албатта бунга чой, сут, лимонад, қатиқ ҳам киради) истеъмол қилар экан.

• Бундан ташқари 70 йил умри даврида инсон 380.000 кубметр ҳавони ўпкага олиб чиқарар экан.

• Инсон юраги шунчалик бақувваткки, унинг кучи ҳар йили 900 килограмм юкни 15 метр баландликка кўтариб чиқишга тенг экан.

• Кичкинагина миямизда 10 миллиард ҳужайралар борлиги аниқланган.

• Миямиз 86 миллионта ахборот ва маълумотларни сақлашга қодир экан.

• Миямизда 1 дақиқада 100.000 га яқин кимёвий жараёнлар содир бўлар экан.

• Танамизнинг ҳар 6,5 квадрат сантиметрида 25 метр асаб толалари, 1000 дан ортиқ асаб нуқталари, 6000 метр қон томирлари мавжуд экан.

Энди ўзингиз бир йиллик, 10 йиллик озиқ-овқат ва тановул қилинадиган маҳсулотларни ҳисоблаб кўринг-чи?

*Турсун АЗЛАРХОНОВ.*



***Ислом Усмоновнинг вақтли матбуот саҳифаларига олиб чиққан одоб-ахлоқ, миллий урф-одатлар ва тарбияга оид туркум мақолаларини ўқувчилар тезда илғаб олишади. Айниқса шахсга сиғиниш давридаги тарихий ҳақиқатни ойдинлаштирувчи тадқиқотлари кенг қизиқиш уйғотган. Унинг «Яхшилик қадри», «Чекиш — кони зарар», «Қилмиш-қидирмиш», «Қатағон қурбонлари», «Ҳижрон», «Одобни ҳаётдан ўргандим», «Қанот ва қаноат», «Баркамоллик одоби», «Ойдин кунлар армони» китоблари чоп этилган.***

***Бугун муаллифнинг кўпчиликни бефарқ қолдирмайдиган публицистик мақоласини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.***

*Муносабат*

# ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ЎРТАНСА ҚЎЙМАС

***Яқинда Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйлаб юрадиган автобусда қайтишга тўғри келди. Шаҳарлараро қатновчи транспортнинг кўринарли жойига «Чекиш ва ифлос қилиш ман этилади», ёзуви битилгани айни муддао. Кошки, унга доимо амал қилинса.***

Афсуски, қувончим узоққа бормади. Ёнимдаги 22 ёшлар чамаси йигит бирдан негадир безовта бўла бошлади. Унга шу дамда бирон нима керакмикан, деган ўйга ҳам бордим. У каминанинг эътиборига кулиб қўйди-да, ёнидан аллақандай шиша чиқарди. Олдин ҳайрон бўлдим, сўнг унинг нималигини фаҳмладим. Бу ўзига хос носқовоқ эди. Балки, шунчаки унга кўз ташлаб қўйса керак, деган хаёлга толдим. У бўлса, аллабаҳузур кафтига бир ҳовуч зормандадан солдида, чаққон ҳаракат билан тилининг тагига ташлади. Сўнг бурнининг тагидан:

— Ошна, хафа бўлмайсиз-да, жуда хумори тутиб кетди, — деб минғиллаб қўйди.

Рости шу дамдаги ҳамроҳимнинг ўта одобсизлигидан бироз ранжидим. Аммо андиша қилиб унга бирор нима демадим. Айни пайт гап кор қилмасди унга. Шу баҳона бўлди-ю, ёнбошга ўгирилиб, газетага кўз югуртира бошладим.

Хиёл ўтмай яна тинчлик йўқолди. Аллақаердан тамаки ҳиди анқирди. Бир олдиндаги огоҳлантирувчи ёзувга қарайману сўнг яна атрофга олазарак термуламан. Аммо ҳеч кимнинг қўлида сигарет кўринмайди. Охири бўлмади, олдинги қаторда ўтирган болали аёл чидай олмади:

— Ҳой, ука, инсоф борми сизда ўзи? Болани бўғиб қўйдингизку! Шу зормандани чекмасдан туролмайсизми? — деб ёнида ўтирган мўйловли ёш йигитга мурожаат қилди.

Бўлиб ўтган можарони ҳайдовчи ҳам кузатиб турган экан, машинани шаҳд билан тўхтатди-да, кашанда йўловчига агар жуда чеккиси келса, пастга тушиб тутатиб чиқиши мумкинлигини айтди. Ҳамма бундай такаллуфдан ҳайрон. Йигитга гап таъсир қилдими, ҳайтовур оғзидагисини ташлашга мажбур бўлди. Яна автобус ўз йўлида давом этди. Ҳа, ҳайдовчи тўғри қилди. Аммо рулда ўтирган одамнинг ўзи чеккан-да, кашанда йўловчига ҳозир қандай муомала қилишини тасаввур қилолмайман.

Тошкент — Наманган йўналиши бўйлаб учаётган самолётда кетаяпмиз. Осмону фалакда ҳамроҳимнинг йўл халтасидаги бир неча сигарет қутиларига нигоҳим тушиб қолди.

— Зўр-ку, — дейман уни имо қилиб.

— Ҳа, шунақа. Ҳар эҳтимолга қарши.

— Наманганда тамаки йўқ-ми, дейман.

— Бор бўлса керак, аммо бирдан йўлда тугаб қолса, бошим гаранг бўлиб, ўзимни қўярга жой тополмайман. Шу боис ҳар доим тутатгични ўзим билан етарлича олиб юришга одатланганман.

— Айтингчи, бир кунда неча қути чекасиз?

— Ҳар куни ҳар хил. Аммо кунига икки қутидан кам кетмайди. Сўровчилар кўп бўлса, унда бу ҳам етмайди.

Ҳамроҳим тошкентлик бўлиб, Наманганга иш юзасидан бораётган экан. Тез-тез хизмат сафарида бўлиб, хўжаликлардаги техникани созлашда ёрдам берар-кан. Бу галги сафари 15 кунга мўлжалланибди.

— Қизим тиббий билим юртига кирмоқчи. Шунинг учун Тошкентга келувдим. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп...

— Неча йилдан бери чекасиз?

— Аниқ айтишим мумкин: 27 йил бўлди чамамда.

— Анча бўлибди-ку, бу ҳол оила аъзоларингизга қандай таъсир қилади?

— Рости, ёмон. Фарзандларим ҳам чекишимга қарши. Ҳатто кичик ўғлим сигарет қутиларини мендан яшириб қўяди.

— Шундай экан, нега уни ташлай олмайсиз?

— Ҳамма гап шунда-да! Айтишга осон ташлаш керак деб. Бу касофатга бир ўргандингизми, ундан қутулиш қийин. Зулук сингари қонингни сўрса ҳам, уни бартараф этолмайсан.

Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймайди, деганларидек, тамаки ҳумори тутганда одам кўп безовта бўлаверади. Бу ҳол бир неча бор такрорланган. Янги уйланган кезларим бир ташлашга уриниб кўрдим, уч кун чекмадим. Яна бўлмади, бошлаб юбордим. Шу-шу ундан қутула олмаяпман. Аммо бир кун келиб уни ташлашим керак бўлади.

— Уни зудлик билан ташласангиз яхши бўларди...

— Қайдам, иродам етмаса керак...

Парвоз тугаши биланоқ ҳамроҳим гарангсираб, чўнтакларини кавлади-да, қўллари қалтираганча тамаки тутатди. Сўнг тутунни мириқиб ичига тортди. Бироз ўтгач, эса қисқа-қисқа йўтала бошлади. Ёнидан ўтиб борарканман, унга ачингандек тикилиб қўйдим. У бўлса негадир нигоҳини олиб қочди...

...Туғруқхонада ёш она зурриёдини кўрмай оламдан кўз юмди. Уни сақлаб қолиш учун қанчалик ҳаракат қилинмасин, барибир иложини топа олишмади. Ёш аёлга ҳеч ким мадад бера олмади. Эртасига чақалоқни олиб келишни илтимос қилади-ю, афсус, норасида келгунча кўзларидаги ҳаёт нури йўқолади. Юраги уришдан тўхтайди. Балқиб турган ва сутга тўла кўкракларини ушлаган жажжи қўллар муаллақ қолиб кетди. Тошкентнинг ман-ман, деган шифокорлари туғруқхонага таклиф қилинди. Унга ҳеч ким ёрдам қўлини чўзолмай афсусланишарди. Эшик ёнида турган турмуш ўртоғи ва марҳуманинг яқинларига одамнинг раҳми келди.

У зотилжам касалини ўтказиб юборган эди. Бўлажак она бу дардни ўз ҳолига ташлаб қўйганини шифокорлар бот-бот такрорлашди. Ҳатто кейинги вақтда унинг чекишга муккасидан кетганлиги хасталикни зўрайтириб юборган. Айниқса, ҳомиладорлигида тамакига ружу қўйгани ҳаммасидан ошиб тушди.

...Ҳар оқшом ишдан қайтар эканман. Тошкентнинг сўлим хиёбонларида ҳордиқ чиқараётган йигит ва қизларни кўриб, рости уларга ҳавасим келади. Афсуски, қизларимиз, йигитларимиз қўлидаги жимжимадор, хориждан келтирилган сигаретларга кўз тушади-ю, туғруқхонадаги мудҳиш воқеа бот-бот эсимга келаверади. Наҳотки, улар чекиш билан ўзларининг навқирон умрларига завол бўлишаётганини англашмаса? Бир дақиқалик завқ учун соғлиққа бефарқ қараш шартми? Улар эса ҳозирча бунга парвойи-палак! Ана шунга ачинасан киши...

*Ислом УСМОНОВ.*

# Дам Олиш Оқшомида

*Саёҳат — роҳат*

# «ИНВАЙТ-СОВРИН — 98»: ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИДА САККИЗ КУН

***«Инвайт-Соврин-98» ўйини ташкилотчилари ҳар биримизга Ўрта ер денгизи бўйига бориш имконини яратишди. Тўғри, омадлилар атиги тўрт киши бўлишади. Ўйиннинг бош соврини сифатида Антальяга иккита йўлланма белгиланган, бу — катта ёшли одамга боласи билан. Уларнинг номларини эса тез кунларда билиб оламиз — ўйин 14 августда бўлиб ўтади.***

Бу ҳақда журналистларга «Си-Про-Таш» қўшма корхонаси бош директори Юрий Галабурда маълум қилди. У ушбу ўйин, ундаги бошқа совринлар ҳақида ҳам гапирди.

Жумладан «INVINT+» ва «Элис» ичимликларининг бўш халтачалари солинган мактубларни қабул қилиш 12 августгача давом этади. Демак, ўйинда иштирок этишни хоҳловчилар шошилмоқлари даркор. Ўйин натижаларини «ПрессТИЖ» ва «Шарқ-ПрессТИЖ» журналларида ўйин бўлиб ўтганидан бир ҳафта кейин эълон қилиш мўлжалланмоқда. Дарвоқе, ўйин холис кузатувчилар иштирокида ўтади, тираж комиссиясига журналистлар, ушбу оммабоп ичимликларни ишлаб чиқарувчи «Си-Про» трансмиллий концерни, «Си-Про-Таш» қўшма корхонаси ходимлари киришади.

Ўйиннинг энг омадли иштирокчилари номи ва уларга бериладиган совринлар лототрон ёрдамида аниқланади. Совринлар эса, айтиш керакки, бебаҳо. Бу — хорижий видео ва аудиомагнитофонлар, телевизорлар, СД-плейерлар, радиотелефонлар, компьютерлар жиҳозлари, чангютгичлар, радиоприёмниклар, ғилдиракли конькилар, термослар, енгил бош кийим ва футболчилар ва албатта Антальяга йўлланмалар.

Сирдан сизни воқиф этамиз: ушбу йўлланмалар эгаларини эсда қоларли саёҳат кутмоқда. Денгиз қирғоғидаги қулай меҳмонхоналардан бирида ҳордиқ чиқаришдан ташқари ғаройиб экскурсияларга ҳам чиқилади. Масалан, яхтада қирғоқ бўйлаб гўзал оролчаларда тўхтаб сайр этиш. Яна саргузаштга бой «Индиана Жонс» сайри, бунда айёр лабиринт, тоғ дарёси бўйлаб тушиш ва қароқчилар ҳужумига дуч келинади. Саёҳатчиларимизга «Сув боғи»да дам олиш, уни ўзимиздаги билан солиштириш имкони ҳам берилади. Шуни айтиб қўйиш жоизки, йўлланмага «Тошкент — Анталья — Тошкент» йўналиши бўйича учиш чиптаси ҳам киради.

Демак «Инвайт-Приз» ўйини ташкилотчилари ўтган йилдаги каби «INVITE+» ва «Элис» ичимликлари иштиёқмандларига яхши совға тайёрлаб қўйишди.

**Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ**


# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ШАҲРИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ!**

**Сергели тумани меҳнат биржаси Сизларни қуйидаги касблар бўйича ишга таклиф қилади:**

*1. Бош ҳисобчи — 10.000 — 15.600 сўм.*
*2. Токарь — 10.000 — 12.000 сўм.*
*3. Фрезерчи — 10.000 сўм.*
*4. Қопловчи — 13.000 сўм.*
*5. Юкловчи — 13.000—14.000 сўм.*
*6. Авточилангар — 7.000 сўм.*
*7. Бетончи — 6.000 сўм.*
*8. Эл. газ пайвандловчи — 8.000—10.000 сўм.*
*9. Автокранчи — 12.000 сўм.*

Ундан ташқари ихтисоси бўлмаган фуқароларни бепул ўқиш учун курсларга юборади. Барча ўқиш муддатлари 2 ойдан 6 ойгача давом этади. Ўқиш даврида стипендия тўланади.

**Мурожаат учун манзил: Сергели тумани меҳнат биржаси «1-Йўлдош» даҳаси, 43-уй. Тел: 58-08-95, 57-58-41, 58-63-84.**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Тошкент шаҳар ИИББ ходимларининг оддий ва бошлиқлар таркиби орасида тартиб-интизом ва қонунчиликни бузишнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ шахсий таркиб бўйича махсус инспекциясида ишонч телефони ҳар куни соат 09.00 дан 18.00 гача ишлаб турибди. Таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги телефон орқали билдиришингиз мумкин: 56-74-76**

**Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти.**

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги ишлар бажарилиши муносабати билан
**1998 йилнинг 23 июлидан 23 августигача**
аэропортдаги 54/55-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

* * *

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги ишлар амалга оширилиши муносабати билан
**1998 йилнинг 20 июлидан 30 июлигача**
Отчопар, Станиславский, Обская, Обид Зокиров, Четинская, Приморская, Хитой, Шаҳристон, Ҳисор, Конибодом, Амир Темур кўчаларида истиқомат қилувчи 34/35-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

* * *

**ТАШКИЛОТ**
камида 10 йиллик иш тажрибасига эга бўлган юқсак малакали юристни
**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**
Тошкент шаҳар, Миробод кўчаси, 17-уйдаги кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.
Маълумот учун телефон: 54-17-53.
**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.**




Рано Ульмасовна Кенжаева номига 1986 йилда берилган № 196398 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳридаги 24-сон ҳунар-техника билим юрти томонидан 1995 йилда Дилмурод Азизов номига берилган АУ № 040058 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

• Ишга таклиф. Тел: 68-64-95.

• Ишга таклиф. Тел: 22-83-52.


Юнусобод туман «Бободеҳқон» жамоа корхонаси ходимлари жамоага қарашли «Тоймасбек» савдо-тайёрлов фирмасининг директори Шуҳрат Тошмуҳамедовга укаси
**Эркин ТОШМУҲАМЕДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

